

МУРОЖААТНОМАДА АДОЛАТ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ҲАМДА
ИЖТИМОЙ СОҲАНИНГ ИСТИҚБОЛИ

Феруза Муҳиддинова

*Тошкент давлат юридик университети профессори, юридик фанлари доктори**“Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир!”.***Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасидан**

Ўзбекистон президентининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасини 2022 йилнинг сарҳисоби ва 2023 йилнинг эса бош режаси сифатида қабул қилиш жоиздир. Мурожаатномани тинглар эканмиз, унда кўтарилган масалалар том маънодаги янгиланаётган Ўзбекистонни дунё миқёсига олиб чиқадиган, мамлакат тараққиётини таъминлашнинг устувор жиҳатларини белгилаб берган дастур деб ҳисоблайман. Эътибор берсак, Мурожаатномада жамиятимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг барча соҳалари қамраб олинди. Жумладан, Биринчи, иккинчи Ренессанс пойдевори бўлган юртимизнинг илм-фан йўлидаги тарихий, мантиқий ривож сифатида Учинчи Ренессанс учун зарур бўлган фан, таълим тизимига тааллуқли бир қатор стратегик аҳамиятга эга йўналишлар белгилаб берилгани диққатга сазовор. Шу боис, белгиланган вазифалар тизимида фаолият олиб бораётган барча мутахассислардан янгиланаётган Ўзбекистон учун ўз устида ишлаш ва янгича дунёқараш талаб этилдики, бу ҳар биримиздан таълим сиёсатининг мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ англашни, уларнинг ижросига нисбатан тараққиёт мезонлари асосида ижодий ёндашувни талаб қилади.

Хусусан, давлат раҳбаримизнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида Шавкат Мирзиёев 2023 йилни «Инсонга эътибор ва сифатли таълим» йили деб эълон қилди. Шу боис ҳам, 2023 йилдан мактаб таълимини халқаро таълим дастурлари асосида бутунлай ислоҳ қилиш бошланишини гапириб, “Миллий ўзлигимиз тимсоли, маънавиятимиз асоси бўлган она тилимизга эътибор янада кучайтирилади. Албатта, чет тилини билиш — замон талаби. Аммо она тилини билишга мажбур қилиш керак”лиги асосида қатор йўналишларда кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди. Жумладан, биринчидан, 2023 йилда 70 та янги мактаб қурилади, 460 таси кенгайтирилади. Хусусий инвестициялар иштирокида 100 та мактаб қуриш лойиҳалари бошланади, келаси беш йилда уларнинг сонини минггага етказилади”, - деган фикрларида таълим ва тарбиянинг жамият ривожига муҳим аҳамияти ўз ифодасини топган.

Жумладан, биринчидан, таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир. Президент таъкидлаганидек, болаларимиз мактабдан она тили ва чет тилларини пухта ўзлаштириб, компьютерда

ишлашни ўрганиб чиқиши зарур. Фарзандларимизни касб-хунарларга, санъат ва маданиятга қизиқтиришимиз лозим. Ўқувчиларда эркин, танқидий ва креатив фикрлашни, жамоада ишлаш ва мулоқот кўникмаларини шакллантириш зарур. Шу боис, 2023 йилдан мактаб таълимини халқаро таълим дастурлари асосида бутунлай ислоҳ қилиш бошланади. Бу эса, ёш авлодга боғча, мактаб ва олий таълим муассасасида сифатли таълим-тарбия беришга алоҳида эътибор қаратилади, ўғил-қизларнинг жисмоний ва маънавий соғлом, ватанпарвар инсонлар бўлиб улғайиши учун барча куч ва имкониятлар сафарбар этилади. Бунда боғчалар сонини кўпайтириш, улардаги таълим ва тарбия сифатини тубдан яхшилаш бўйича беш йиллик дастур қабул қилиниб, боғча қамровини кенгайтириш бўйича хусусий секторга қўшимча шароитлар яратилиши ҳар бир ёш оилани, ёш ота-онани, ҳаттоки бува-бувижонларнинг йиллар давомидаги орзусининг амалга оширилишидир. Жумладан, Қорақалпоғистон ва Хоразмда йўлга қўйилган бошланғич синф ўқувчилари учун bepул овқатланиш амалиёти келаси ўқув йилидан ушбу қолган вилоятлар ва Тошкент шаҳри мактабларида ҳам жорий этилиши таъкидланди. Дарҳақиқат, “Биз Янги Ўзбекистонни “ижтимоий давлат” тамойили асосида қуришни мақсад қилаёپмиз. Буни Конституцияда мустақамлашимиз керак. Ижтимоий давлат бу, энг аввало, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечирishiга зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш, демакдир”. Биринчи навбатда, эътибор Янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция бўлган таълимни қўллаб-қувватлашга қаратилиши таъкидланди.

Иккинчидан, “ушбу соҳада бошлаган ислохотларимизни давом эттиришимиз, таълим даргоҳларига бориб, ўқитувчи ва мураббийлар билан кўпроқ мулоқот қилиб, сифатни ошириш бўйича улар қўйган масалаларни биргаликда ҳал қилишимиз керак. Биз келгуси йил Давлат дастурига халқимиз кўтарган барча масалаларни аниқ ечимлари билан киритамиз. Ушбу жараёнларда депутат ва сенаторлар, маҳалла вакиллари, зиёлилар, ёшлар, тadbиркорлар ва кенг жамоатчилигимиздан фаол бўлишларини, янги-янги таклиф ва ташаббуслар билдиришларини сўрайман” – деб таъкидладики, бу ўз навбатида узвийлик ҳамда узлуксизликни таъминлаш орқали таълим соҳасини мазмунан яхлит тизим сифатида шакллантиришни назарда тутган янги қадамдир. Зеро, бугун Ўзбекистон ёшлар мамлакати бўлиб, таълим-тарбияга эътибор ёшларни замонавий билим ва тажрибалар, миллий ва умумбашарий кадриятлар асосида мустақил ва мантиқий фикрлайдиган, эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказиш устувор вазифалардан бири бўлиб қолади. Президентимиз томонидан ўғил-қизларимизнинг таълимига алоҳида эътибор қаратилиши ҳам ана шу омиллар билан боғлиқ. Бугун Янги Ўзбекистонда илм-маърифатни ривожлантирмасдан тараққиёт Стратегиясининг устувор мақсадларини кейинги босқичларига чиқара олмаймиз. Бунинг учун эса тизимдаги муаммоларни бартараф қилишнинг ягона йўли илм – фан, ишлаб чиқариш яъни, таълим ва фан уйғунлигини таъминлашимиз лозим. Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида

Президентимиз таълим тизимида ўқитувчиларнинг мақомини, уларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилишни Конституцияда алоҳида белгилаш зарурлиги қайд этилгани эътиборга лойиқ. Чунки бизнинг юртимизда ҳамма даврда устоз-мураббий улуғланган соҳа. Ҳатто Амир Темур ҳам ўз устозларини ҳурмат қилгани, эъзозлаганини олимлар эътироф этишади. Халқимизда эса, “Устоз отангдан улуғ” деган нақл ҳам бежиз айтилмаган. Шунингдек, униб-ўсиб келаётган ёш авлод таълим ва тарбиясига давлат сиёсати даражасида эътибор қратилиб, унга кўра, келаси йилдан бошланғич синфларда мутлақо янги методика асосида яратилган дарсликлар бўйича ўқитиш йўлга қўйишга эътибор қаратгани, шунингдек, олий таълимга қамров даражасини босқичма-босқич ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга оид фикрлари барчани қувончига қувонч қўшди.

Бу қувонч, ҳаяжон ортида юрт истиқболи, ёшларимиз эртаси, келажаги, тақдири турибдики, ўқув-тарбия тизимида фаолият олиб бораётган ўқитувчиларнинг ўз фани, соҳасини янада чуқурроқ ўрганишга, ходимларнинг замонавий таълимга қўйиладиган талабларга мос келишига ундайди. Мурожаатномада педагогик маҳорат ва малака даражасига эга бўлган, ўз ишида аниқ натижаларга эришган ўқитувчиларга юқори маош тўлаш тизими жорий этилиши айтиб ўтилди.

Учинчидан, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига доир тарихимиздаги илғор фикрлардан бўлмиш, Юсуф Хос Хожибнинг “ўғил-қизларимизни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-ҳунарларга ўргатиш, уларда тадбиркорлик кўникмалари ва меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш ҳамда ташаббусларини рўёбга чиқариш, иш ва уй-жой билан таъминлашга устувор аҳамият берилади.

Тўртинчидан, Мурожаатномада 700 дан ортиқ касб-ҳунар мактаби, коллеж ва техникумлар имкониятидан самарали фойдаланиш зарурлиги қайд этилдики, шу мақсадда 2023 йилдан бошлаб янги дастур амалга оширилиши таъкидланди. Эътибор берсак, ҳар бир вилоятда 1 тадан техникумда Европа касбий таълим стандартлари жорий этилиши муҳим янгилик бўлса, кимё саноати, электротехника, транспорт ва энергетика соҳаларида нуфузли халқаро ташкилотлар билан бирга, алоҳида Мухандислик мактаблари ташкил қилиниши, катта ютуқдир. Дарҳақиқат, бу ҳақда “Бу тизим бизда ҳозиргача бўлмаган. Лўнда айтганда, янги замон инженерлари тайёрлаш тизимини яратамиз”, - деб бежиз айтмади давлатимиз раҳбари.

Шу билан Мурожаатномада алоҳида эътибор адолат ва қонун устуворлиги масаласига қаратилган фикрлари ҳам барчага маъқул бўлди, деб ўйлайман. Жумладан, давлатимиз раҳбари халқимизнинг эътирозига сабаб бўлаётган энг долзарб муаммо яъни коррупция масаласига алоҳида тўхталиб ўтар экан, ўтган икки йилда 5 мингга яқин мансабдор коррупциявий жиноятлар бўйича жавобгарликка тортилгани қонуний тамойилининг адолатнинг ҳар қандай пасткашлик устидан галабаси эканлигининг тасдиғидир. Шу боис ҳам, унинг таг-томири билан тугатиш

учун давлатимиз раҳбари депутат ва сенаторлар, маҳаллий Кенгашлар ҳам бонг уриб, аниқ соҳаларни таҳлил қилиб, коррупцияни бартараф этиш бўйича фаол бўлишга чақирди, бунинг учун уларда етарли ваколат ҳам, шижоат ҳам борлигини таъкидлади. Сунъий монополияга, ёпиқ схемаларга, умуман коррупцияга имкон берувчи барча бўшлиқларга барҳам бериш бежиз таъкидланмади. Зеро, халқимизнинг энг катта ютуғи ҳалоллик ва халқпарварлик бўлганини унутмаслигимиз зарур. Ҳалол ва халқпарвар инсонда эса, таъмагирлик бўлмайди. Унинг маънафий-маърифий асосларини эса, буюк қомусий олимларимиз, мутакаллим ва мутафккирларимиз ўз қарашларида ифода этишган. Бу ҳақда давлатимиз раҳбари қайд этганидек, “ Лекин, такрор айтаман, мусулмон умматига сабоқ берган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби буюк уламолар етишиб чиққан бизнинг диёримизда бу борада адашганлар, радикализм ва экстремизм ғояларига берилганлар бўлиши мумкинми? Биз жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, ёшларимиз онгини бузғунчи ёт ғоялар билан захарлашга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга, маърифат ўрнини жаҳолат эгаллашига йўл қўймаймиз. Биз ҳар қандай радикаллашувга қаршимиз.

Жамиятимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, маданият соҳасини ривожлантириш, илмий-ижодий ташкилотлар, муҳтарам зиёлиларимиз фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳам, биз учун устувор йўналишлардан бири бўлади”, деган ғоя асосида қатор йўналишларда кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Қувонарли томони, қадимий ва бетакрор тарихни, айниқса, ғоят оғир шароитда илм-маърифат, инсон эркинлиги, халқ озодлиги, Ватанга, миллий қадриятларга меҳр ва садоқат ғояларини дадил кўтариб чиққан жадид боболар фаолиятини янада чуқур ўрганишга эътибор берилди.

2023 йилда қанчалик қийин бўлмасин, танлаган йўлимиздан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Кўзлаган марраларимизга албатта етамиз. Бу йўлда нияти улуғ, қалби пок, меҳнаткаш халқимизга таянамиз. Бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилсак, мен ишонаман, эл-юртимиз интилаётган Янги Ўзбекистонни албатта барчамиз биргаликда бунёд етамиз”, деган ғоя асосида қатор йўналишларда кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Қувонарли жиҳати шундаки, бундан кейин ҳам асосий эътиборимиз Марказий Осиёдаги барча қўшни мамлакатлар ва дунёдаги стратегик шерикларимиз бўлган давлатлар, халқаро ташкилотлар билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кучайтиришга қаратилиши белгилаб берилди. Унда биринчидан, “Биз жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, ёшларимиз онгини бузғунчи ёт ғоялар билан захарлашга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга, маърифат ўрнини жаҳолат эгаллашига йўл қўймаймиз”, яъни қўшни давлатлар билан ўзаро ҳурматга асосланган муносабатларни шакллантириш масаласига урғу берилган.

Иккинчидан, маҳалла – тинчлик ва осойишталик пойдевори, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, маърифат ва тарбия қўрғонидир.

Шунинг учун ҳам бундан буён давлат инвестиция дастурлари маҳалла даражасига туширишга қаратилган.

Учинчидан, ҳар бир маҳалла ўзининг кутубхонаси, спорт майдончасига эга бўлиши зарурлиги маънафий ва маърифий ишларимизнинг мантиқий изчиллигини таъминлайди.

Тўртинчидан, ижтимоий давлат бу, энг аввало, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечирishiга зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш чоралари кўрсатилади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Президентининг 2022 йил 20 декабрда Парламентга ва Ўзбекистон халқига қилган Мурожаатномаси инсон қадрини, манфаатини, шаъни ҳар томонлама таъминлашга қаратилган янги қадамнинг амалий ифодасидир, тасдиғидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг парламентга ва ўзбек халқига мурожаатномаси. 2022 й 20.12.2022
2. <https://kun.uz/news/2022/12/20>
- 3.